# Соғлом авлод билан — келажак сари



## ВАТАН ИШОНЧИ ВА УМИДИ

Президентимиз ҳаётимизга ташриф этган янги — 2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилдилар. Ажойиб таклиф, хайрли, эзгу ният! Ахир эл-юрт ўз фарзандларини, янги авлодларни ардоқлар экан, демак бу эл, бу Ватан ўз келажаги олдидаги масъулиятини теран ҳис қилган бўлади. Болаларимиз — бизнинг эртанги кунимиз, умид ва ишонч чироқларимиздир. Улар қандай ўсса, келажагимиз ҳам шундай бўлади. Авлодлари соғлом, дуркун, баркамол элу юртнинг келажаги ҳам равшан ва баркамолдир.

Давлатимиз раҳбари айтганларидай, «кучқудратли авлод» тушунчасини ҳам кенг ҳаётий маъноларда идрок этмоғимиз керак. Фарзандларни кучқудрати фақат жисмоний, тана соғломлигидагина эмас, балки шу билан бирга, бу тушунча уларнинг маънавий, руҳий, ақлий, ижодий соғломлиги, баркамоллигини ҳам ўз ичига олади. Бу сифатларнинг барчаси жамулжам ҳолда инсоний комилликни дунёга келтиради. Биз орзу қилаётган комил давлат ва комил жамият комил тарбияли авлодлар туфайлигина воқеликка айланади.

Бироқ, Соғлом авлод тарбияси фақат шу йилгагина хос, мавсумий иш эмаслигини ҳам ҳаммамиз яхши биламиз. Бундай авлодни етиштириш — тараққиётимизнинг стратегик вазифаларидан биридир. Бу вазифани мустақил тараққиётнинг ўзи илк кунларданоқ олдимизга кўндаланг қўйди ва тараққиёт бор экан, соғлом авлод муаммоси ҳам ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди.

Истиқлолга эришган Ўзбекистонда ҳар тарафлама баркамол авлодларни вояга етказиш учун нимаики зарур бўлса, барчаси амалга оширилмоқда. Мамлакатда, аввало, ёшларнинг жисмонан баркамоллигини таъминлайдиган омил — спортни ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Бугун Ватанимизда спортнинг деярли ҳамма турлари барқ уриб, ривож топиб, халқаро миқёсда улкан ютуқларга эришилмоқда. Айни пайтда, республикада спортнинг моддий-техник базасини ривожлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ шу билан бирга, бу соҳада қилинган ишлардан кўра, олдинда турган вазифалар кўпроқ. Масалан, жойларда спорт мажмуалари қурилиши қанча кўпайса, шунча яхши. Чунки бундай мажмуаларда сув бассейнлари, енгил атлетика, футбол, волейбол, баскетбол майдонлари, шаҳмат, шашка заллари, теннис кортлари — барча-барчаси бўлади. Шунда миллий спортимиз ҳам ҳар тарафлама ривож топади.

Мамлакатимизда ёш авлодни маънавий ривожлантириш ҳам соғлом авлод тарбиясининг энг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади. Бу борада айниқса, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганлиги улуғ қадам бўлди. Ўтган икки йил мобайнида бу қомусий ҳужжатда белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан юртимизда катта ишлар қилинган. Аввало, бугун янги, замонавий малакали, комил маънавиятли авлодни тарбиялаш — тараққиётимиз заруряти, деган тушунчанинг ўзи умумхалқ фикрига айланди. Бу ғоя катта миқёсдаги амалий ишларга асос бўлди. Ёшларимиз чет элларда ўқиб, дунё тажрибалари билан қуролланмоқда. Ўзбекистонда ҳар йили юзлаб янги ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим муассасалари — академик лицейлар, коллежлар, қуриб ишга туширилмоқда. Насиб бўлса, 2000 йилда юзлаб яна шундай янги таълим муассасалари ёшлар тарбиясига ўз қучоғини очади. Замон талаби билан республикамизда янги-янги ўрта ва олий ўқув юртлари пайдо бўлмоқда. Масалан, ўтган йилда Тошкент Ислом университетининг очилиши маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди.

Ўзбекистонлик ёшларнинг алоҳида бахти шундаки, улар фақат ота-онанинг эмас, балки бутун жамиятнинг, давлатнинг ардоғида, муҳтарам Президентимизнинг бевосита ғамхўрлигида яшаб, улғаймоқда. Мана шундай улкан ижтимоий меҳр-мурувватли муҳит ҳавосининг ўзи ёшларимизни руҳан соғлом, маънавий баркамол бўлиб ўсиши учун муҳим озуқа беради, уларга куч-ғайрат бағишлайди, келажакка ишончини мустаҳкамлайди.

Келаётган янги, 2000 йил Соғлом авлод йили экан, шу янги йил бошида тилагимиз шуки, ёшларимизнинг тўрт мучали бутун, соғ-саломат бўлсин, унсин, кўкарсин. Ва албатта, она-Ватан, она халқ ишончи ҳамда умидига муносиб авлод бўлиб вояга етсин. Бошланган йилимиз уларнинг ана шу камолот йўлида бир муҳим довон, сермазмун босқичга айлансин.

**М. САФАРОВ**



*Фахр эт, унутма боболарингни,*
*Сен Темур авлоди, Навоий насли.*
*Соғлом фарзандларга насиб этгайдир,*
*Шу азиз юртимнинг гуллаган фасли.*

*Ўзим айланайин кулгуларингдан,*
*Олтин дамларимнинг олмос донаси.*
*Кўнган бахт қушинг ҳеч кетмасин бошдан,*
*Мустақил Элимнинг эрка боласи.*

## РИВОЯТ

— Ўғлимга фақат ҳалол луқма едираман, — дер экан ўтинчи бир чол ва уззукун меҳнат қилишдан чарчамаскан. Ойлар, йиллар ўтиб ўғил вояга етибди, отасига ўхшаган хушхулқ ва меҳнатсевар бўлиб улғайибди. Бир куни ота ўғлини шаҳарга жўнатибди, аммо, пешинга яқин бир мешкобчи ўғлининг қулоғидан судраб келиб, чолга ўдағайлабди.

— Қандай ўғил ўсдиргансиз? — дебди у. — Гузарда кетаётсам мешимга бигиз тиқиб сув ичмоқчи бу ҳароми.

Ота хижолат тортибди ва мешкобчидан узр сўраб, ҳаққини берибди. Ўғлидан қилмиши ҳақида сўраган экан — индамабти.

Чол ўйлаб-ўйлаб, ўйига етолмабди. Охири ёнига кампирини чақириб, воқеани айтиб берибди ва унинг сабабини билолмасдан хуноблигини баён этибди. Шунда кампир кўнглидаги сирини ошкор қилибди.

— Ўғлимиз туғилмасдан бозорга тушгандим. Бирам анорлар кўп эканки, сотиб олишга пулим бўлмади. Шунда бир анорни кўрган киши бўлиб, унга тўғнағичимни тиқиб олиб, ялагандим...

Алалхусус, мешкобни тешган бигиз анорга тиқилган тўғнағичнинг «фарзанди» экан. Аниқроғи, бу ҳаром луқманинг ҳосиласи, текиннинг тешиб чиқишидир.

# БОЛА ДУНЁНИ ТЕБРАТАР

## САРДОРБЕКНИНГ ОРЗУСИ

Болалигида қайси бола футболчи бўлишни орзу қилмаган дейсиз. Майкамизга бўёқ билан 9 рақамини ёзиб олишни хуш кўрардик. Онамизнинг койишлари ҳам кор қилмасди. Сабаби, 9 рақами остида «Пахтакор»нинг довруқли ўйинчиси Бērодар Абдураимов тўп сурарди. Лекин футболчи бўлиш учун имкониятимиз йўқлигига ақлимиз етган. Боликнинг серзавқ дамлари пахтазорлар орасида қолиб кетган.

Мустақилликнинг болалари эса... Уларнинг ўй-фикри, орзуларини бир тинглаб кўрайликчи!

Сардорбек Мирзаев, пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги инглиз тилини ўргатишга ихтисослашган 178-мактабнинг 4-синфида ўқийди. Ёшлар телеканали орқали бериладиган Англия чемпионатининг ўйинларини мунтазам кузатиб боради. Севган футболчилари Дэвид Бэкхем, Рональдо, Ривалдо, Миржалол Қосимов ва Андрей Акопянц. Англия жамоаларидан бирида тўп суриш орзусида. Шу боис инглиз тилини ихлос билан ўрганяпти.

— Нега энди айнан Англиянинг жамоасида ўйнаш керак? — сўрайман Сардордан.

— Англия футболнинг ватани-да. У ерда тез танилас.

— Бунинг учун нима қилиш лозим?

— Машқ қилишим керак. Лекин аям футбол ўйнашимга қарши. Ўқишдан чалғиб қоласан, дейишаяпти.

— Тўғри, айтади. Аввал ўқишни қойиллатиш керак.

— Аямга айтдим. Ҳамма дафтарларимни асраб қўйинг. Бир кун келиб ўғлимга кўрсатаман, дедим. Сизларга ўхшаб биз ундай ўқиганмиз, биз бундай ўқиганмиз, деб мақтанмасдан, дафтарларимни кўрсатаман. Ўзи ҳаммасини билиб олади.

Биз Сардорбек билан мактаб остонасида хайрлашдик. Англияда тўп суриш орзуси билан яшаётган болакайга қанчалар ҳавасим келганини билсангиз эди... Биз етмаган орзуларга фарзандларимиз етса, не ажаб.

**Ўз мухбиримиз.**

## АДАСИНИНГ ЮЛДУЗИ

Юлдуз Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 295-мактабнинг учинчи синфида ўқийди. Марҳум шоир Равшан Файзнинг қизи. Юлдуз билан «Олтин тож» кўрсатуви орқали танишдим.

Ўшанда у дадасининг «Мен бир дарахт» шеърини жуда чиройли қилиб ўқиб берганди. Юлдуз дадасининг шоирлиги, Абдулла Ориповнинг шогирди бўлганидан фахрланади. Онаси Жамиланинг яқин кўмакчиси. Синглиси Чарос, укаси Фирдавсни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, онасининг оғирини енгил қилишга интилади. Бўш пайтларида шеърий китоблар ўқишни хуш кўради.

— Юлдуз, янги йилдан нималарни кутяпсан?

— Болаларни яхши кўрадиган одамлар кўп бўлишини.

— Нега?

— Болаларни яхши кўрадиган одамлар бировга ёмонлик қилмайди.

Ҳаётнинг ўзи улғайтириб қўйган бу вазмин қизалоққа бошқа савол беришга журъат қилолмадим. Унинг тилаклари ижобат бўлсин. Янги, Соғлом авлод йили деб эълон қилинган қутлуғ йилда яхши одамлар кўп бўлсин.

**А. ЖЎРАЕВ ёзиб олди.**

## РИВОЯТ

Бола, фарзанд тарбияси наинки алоҳида инсонни, ота-онани, балки бутун-бутун халқларни ҳам ўйлантиради. Бу ўйлар гоҳида ҳикматларда жо этилади. Масалан, хитойликлар бола тарбияси тўғрисида шундай дейишган: «Бола олти ёшга тўлгунча — унга подшо тенгида муомала қилгин. Олти ёш билан ўн олти ёш ўртасида бўлганида — қулга ёндошгандай муомала қилгин. Бола ўн олти ёшга тўлганида — дўстни топгандай муомала қилгин». Ёки яна бундай дейишган: «Энг муҳими, бола тарбиясига киришишдан олдин ўзинг тарбияли бўл. Зеро, сен тарбия деб фарзанд қалбига нима эксанг, шу кўкаради. Тарбияда эҳтиёт бўл, охир-оқибатда, буғдой ўрнига ғумай ўриб қолма, неъмат ўрнига — касофатни топма».

Ушбу ҳикматлар устида ўйлаб кўриб, мағзи чақилса, виждон, онг баҳра оладиган қарашлар озмунча топилмайди.

## ЁШЛАРНИНГ БАХТИ БОР ЮРТ БУ

Кўп юртларда бўлганман. У мамлакатлар аҳолисининг турмуш тарзидан яхши хабардорман. Лекин ҳеч қайси бири менда Ўзбекистончалик чуқур таассурот қолдирмаган. Бу чиндан ҳам жаннатмакон юрт. Одамлари ҳам юртига монанд сахий, меҳмондўст, ақл-заковатли. Шу боис ҳам, қисқа вақтда юксак тараққиётга эришди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижобий ишларга, ободонлаштиришга бугун ҳамманинг ҳаваси келаяпти.

Мамлакатимиз ишбилармонлари билан ҳамкорликда Асакада қурилган «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонасини чинакам мўъжиза дейиш мумкин. Ахир бундай замонавий корхоналар ер юзида саноқли. Ўзбекистон автомобиль ишлаб чиқарадиган йигирма саккизинчи мамлакатга айланди.

Энг муҳими, ўзбек йигитқизларининг ўткир зеҳни, қобилияти ва уддабуронлиги мени ҳайратга солди. Қўшма корхонамиз иш бошлаган дастлабки пайтда автомобиль ишлаб чиқариш билан боғлиқ юмушларни кўпроқ бизнинг мутахассисларимиз уддалаган эди. Ҳозирга келиб энг мураккаб жараёнларни ҳам маҳаллий ёшлар бекам кўст адо этмоқда. Уларнинг ҳеч бири ривожланган мамлакатлар ишчи-хизматчиларидан кам эмас. Хизмат маданияти, муомала маданияти шу қадар юксакки тан бермай иложингиз йўқ.

Ўзбекистонда 2000 йил Соғлом авлод йили деб эълон қилинди.

Бу мамлакатингиз ёшларининг баркамол инсон бўлиб улғайиши кафолатидир.

Ўйлайманки, янги йил Ўзбекистонга янги-янги муваффақиятлар олиб келади. 2000 йил Ўзбекистон учун юксалиш йили бўлиб қолади.

**Ю. БЕН. МАН,**
**Жанубий Кореядаги «Семюнг-металл-компани» директори.**



## ЎЗЛАРИДАН КЎПАЙИБ ЮРИШСИН

**Кеча Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 9-туғруқхонада 1999 йилнинг сўнгги фарзандларидан бири Соғломбек Каримов туғилди**

*— Чақалоқ ва онасининг соғлиги яхши, — дейди биз билан суҳбатда бош шифокор Мухтабар Файзиева. Президентимиз янги йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилганида бизда Аёллар йилининг охирги куни яъни 31 декабрда туғилган чақалоқларни алоҳида рўйхатга олиш, улардан энг сўнггисининг туғилган кунини уч йил давомида туғруқхонада нишонлаш фикри пайдо бўлганди.*

*Соғломбек ҳам ана шундай чақалоқлардан бири. Унинг ота-онаси Набирахон ва Нуриддин Каримовлар ўз фарзандларини «Соғлом авлод йили»нинг Соғломбеги бўлиб юришини орзулашади.*

*Мен туғруқхонамизга ташриф буюрган ҳар бир аёлнинг эсон-омон ўзидан кўпайиб, фарзандини бағрига босиб, хонадонига кириб боришидан бениҳоя қувонаман. Бунда Татьяна Мишанина, Гулзаҳро Султонова, Шоҳида Содиқова, Малика Усмонова, Сергей Тараян, Камолиддин Низомиддинов каби тажрибали ва жонкуяр шифокорларимизнинг хизматлари катта. Туғруқни енгиллаштириш, асоратсиз ўтказиш мақсадида яқинда операция ва реанимация блоки, стерилизация бўлими қайта таъмирланди. Таъмирлаш ишларида бизга ҳокимлик, туман соғлиқни сақлаш бўлими, санитария-эпидемиология станцияси, барча дорихоналар, «ТИМ» фирмаси ҳамда «Ҳосилот» ресторани катта ёрдам берди.*

*Янги йил халқимизга қутлуғ бўлсин! Доим ўзларидан кўпайиб юришсин!*

**Г. ҲУСАНОВА ёзиб олди.**
**Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

## СИЗЛАРГА БАХТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ТИЛАЙМАН

— Аввало, мен Германиянинг федерал ҳукумати номидан Ўзбекистон фуқароларига ўзимнинг илиқ табрикларимни йўлламоқчиман. Республиканинг демократик ўзгаришлар йўлида янада гуллаб яшнаши ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириши учун қулай имкониятлар яратилган 1999 йил катта аҳамиятга эга воқеалари билан мустақил Ўзбекистон тарихига киради. Агар Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилган кунидан буён босиб ўтган саккиз йиллик йўлига назар ташласак, республиканинг иқтисодий ривожланишига Германиянинг ҳам қўшган ҳиссасини кўриш мумкин. Бундан эса биз жуда фахрланамиз.

Биз бундан буён ҳам барча соҳалардаги яқин ҳамкорликни давом эттириш, иқтисодиётнинг ривожланишига барча имкониятлар билан ёрдам кўрсатиш ниятидамиз. Яқин келажакдаги режаларимиз ҳақида гапирсак, биз, аввало, махсус таълим, кичик ва ўрта тадбиркорликни, қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантириш, молиявий бошқариш соҳаларига тааллуқли ҳамкорлик масалаларини кўриб чиқишга тайёрмиз. Бу соҳалар бундан буён янада ривожланиши учун барча ишларни қилишни истардик.

Ўзбекистон мамлакат Президентлигига сайлов ўтказиш арафасида турибди. Ўзбекистоннинг танлаган мақсадига бугунданоқ асос солинган йўлдан илдам бориши кўп жиҳатдан сайлов натижаларига боғлиқ. Бу эса, аввало, давлат мустақиллигининг мустаҳкамланишида, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда эътироф этилишида, амалга оширилаётган катта ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда, ўз келажакларига ишонадиган мамлакат аҳолисининг тинч ва осойишта ҳаётида намоён бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқига, республика раҳбариятига давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар 2000 йилда янги мазмун билан бойиши ва халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланишини ҳамда бахт ва тараққиёт тилайман.

**Эрих ШТАТЕР,**
**Германиянинг Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш бўйича федерал вазирлигининг Давлат котиби.**
**«Жаҳон» АА.**

## ҲАР КИМ ВА ҲАР КУН

Навоий шаҳридаги "Меҳрибонлик уйи" ва Карманадаги 25-кар ва соқов болалар, Қизилтепа туманидаги 36-ногирон болалар махсус интернат мактаби тарбияланувчиларининг қувончлари чексиз бўлди. Болалар каттакон ва улкан арчалар атрофида тўпланиб ўйнаб-кулдилар. Уларга 300 дона Президент совғаси ва 4 та ногирон аравачаси тортиқ қилинди.

Совғаларни вилоят ҳокими F. Дилов топширди. Шунингдек, кўнгли ўксик болажонларга бир лаҳза бўлса-да, қувонч улашишдек савоб ишда "Тоғчи" ишлаб чиқариш бирлашмаси, вилоят касаба уюшмалари қўмитаси, "Навоийпахтасаноатсотиш", "Навоийазот" сингари ўнлаб ташкилот ва корхоналар фаол иштирок этдилар. Навоий шаҳридаги Пардаева ва Булатовлар оилавий меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болакайлар ҳам янги йил туҳфаларидан бенасиб қолмадилар. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, савоб ишни ҳар ким ҳар кун қилиш лозим.

**П. ЖУМАЕВ.**

## МЕҲР-МУРУВВАТ

### учун 1999 йилда 55485745 сўм сарфланди

«Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон» компаниясининг мамлакатимизда фаолият кўрсатаётганига 1999 йил ноябр ойида роппа-роса беш йил бўлди. Янги 2000 йилда фаолиятининг олтинчи йилига қадам қўйган компаниянинг Бош директори Карлос Вагнердан куни кеча сўнгги кунини кузатганимиз — 1999 йил унда қандай таассурот қолдиргани билан қизиқдик.

— 1999 йил Ўзбекистон учун барча соҳаларда юксалиш йили бўлди, десак адашмаган бўламиз. Ўтган йил, айниқса, биз учун ҳар жиҳтдан унутилмас ва жозибали йил бўлди: Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётганимизнинг беш йиллигини нишонладик, ишлаб чиқариш қувватимиз ўсди. Энг муҳими, республика аҳолисининг барча қатламлари билан алоқаларимиз тобора яқинлашмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Мен аҳолининг барча қатламлари деганда ўтиш даврига хос бўлган хусусият — ижтимоий муҳофазага муҳтож кишиларга моддий ёрдам кўрсатишни назарда тутаяпман.

1999 йилда компаниямиз жами 55 миллион 485 минг 745 сўмлик хайрия ва ҳомийлик тадбирларини амалга оширди. Биргина пенсия фондига 5 миллион сўм ўтказдик. Тошкент аҳолиси учун 528 минг 200 сўмлик янги йил совғалари улашилди. Бундан, табиийки, барча эҳтиёжманд оила ва болалар назардан четда қолмади. Бу бизнинг Ўзбекистон тараққиётини белгилайдиган бешта машҳур тамойилдан биттаси, яъни кучли ижтимоий муҳофаза сиёсатини амалга оширишга қўшган камтарона улушимиздир. Меҳр-мурувват, хайрия ва ҳомийлик йўналишидаги ишларимизни 2000 йилда ҳам ўтган йилдагидан кам бўлмаган даражада давом эттириш ниятимиз бор.

**Ўз мухбиримиз.**

# ЯНГИ ЙИЛ ЎЙЛАРИ

*Осмон аяса ҳам биздан қорини,*
*Шодлик ҳисси чертар кўнгил торини,*
*Эзгу сўзга буркаб дил изҳорини,*
*Кутлуғ қадам билан келди Янги йил.*

*Уйига истиқлол ярашган халқим,*
*Йўли яхшиликка туташган халқим,*
*Дунёга ёруғлик улашган халқим,*
*Кутлуғ қадам билан келди Янги йил.*

*Элим, бардошингдан минг бор айланай,*
*Қай бирин эслайин, қайсини айтай,*
*Бугун Бахт сўзини танладим атай,*
*Кутлуғ қадам билан келди Янги йил.*

*Гарчи, сочимизга оқлар инса ҳам,*
*Гарчи, ташвишлардан юрак куйса ҳам,*
*Бугун бошимизга Ҳумо қўнган дам,*
*Кутлуғ қадам билан келди Янги йил.*

*Ўтган боболарнинг ёдини ёдлаб,*
*Номларини тиклаб, руҳини шодлаб,*
*Кўнгилга истиқлол шарафин боғлаб,*
*Кутлуғ қадам билан келди Янги йил.*

*Озод элим бордир — бийрон забоним,*
*Халқим — суянганим, иймон, ишончим,*
*Ўзбекистон деган қутлуғ маконим,*
*Кутлуғ қадам билан келди Янги йил.*

**Элбек АЛИБОЙ ўғли.**

# ҚИШ ЭРТАГИ

*Ўғлим, тўхта ташқари шамол...*
*Тўполончи бўлмай қулоқ солгин жим.*
*Мана, қўлларимни ушлаб кўра қол,*
*Мана, муз... мен ҳозир кўчадан келдим.*

*У ерда баджаҳл шамоллар санқир*
*Учраган нарсани хасдай учириб.*
*Энди сен жаҳлимни чиқармай ахир,*
*Мундай гапларимни тингла ўтириб.*

*Энди ташқарида қирчиллайди қиш,*
*Жаҳлдор шамоллар тинмай елади.*
*Тўполон қилмасанг Қорбобо, Қорқиз,*
*Сенга этикчалар олиб... келади.*

*...Ҳай, бола ростдан ҳам қолар совқотиб,*
*Кўчада чиндан ҳам ҳоким-ку довул.*
*Нега тушунмайсан гапимни, хотин,*
*Сен нега куласан тувакдаги гул?!*

**Равшан ФАЙЗ.**



*2000 йил мамлакатимизга қутлуғ Ийди Рамазон арафасида ташриф буюрди. Соғлом авлод йили деб эълон қилинган Янги йил хонадонингизга қут-барака келтирсин.*

**Муҳаммад АМИН олган сурат.**




## ҚОР БОШҚА ДАВЛАТДАН ОЛИБ КЕЛИНАДИ

Данияликлар чанғи спорти «жинниси». Аммо бу ўлкада қор жуда кам ёғади. Шу важдан ҳам улар қорни темир йўл орқали, яъни вагонларга юклаб Норвегиядан олиб келишади ва тепаликларга сепиб чиқишади. Бу олиб келинган қорларни улар шунчалик эъзозлашадики, эриб кетишига йўл қўйишмайди.



## БЕЗОВТА ҚИЛМАНГ

Швейцария тунда машина ҳайдаш тақиқланган жаҳонда ягона мамлакатдир. Бу ерда ёзда соат 22 дан 04 гача, қишда эса 21 дан 05 гача тунги вақт ҳисобланади.



## КОЛБАСАЛИ ДАРАХТ

Гана (Африка)ликлар ҳам дунёнинг бошқа ерида йўқ дарахтлари билан фахрланишади. У колбасали дарахт бўлиб, номи кигелиядир. Унинг меваси ташқи кўринишдан худди колбасага ўхшайди, бу ҳам «етмагандек» айнан колбасанинг таъмини беради.

# ЎТГАН ЙИЛИ ОМАДИМИЗ КЕЛДИ

**дейди Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори, Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театри директори Ёқуб АҲМЕДОВ**

— Нега деганда, дея сўзида давом этади Ёқуб ака, йил давомида республикада ўтказилган барча фестивалларда биринчи ўринни олиб, ғолиб бўлдик. Меҳнатимизнинг юзага чиқиши жамоамизга кучғайрат бағишлаб, янада унумли ва илҳом билан ишлашга даъват этди.

Ўтган йили «Ҳаётдан түйган тун», «Қирол Лир», «Эргинамнинг орзуси», «Энага» ва болаларга мўлжалланган «Жодугар канизак» асарларини саҳналаштирдик. Уларнинг ҳар бирида томошабин учун бирор фойдали гап айтдик, фикр-ғоя бердик, деб ўйлайман. Шунданми, зал доимо гавжум бўлди. Кези келганда «Чимилдиқ» спектакли саҳнамиздан тушмаганлиги ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Мазкур спектаклнинг 200 марта ўйналиши катта байрамга айланиб кетди.

Янги йилга турфа орзулар билан кириб келдик.

О. Ёқубовнинг «Бир кошона сирлари», Х. Хурсандовнинг «Кампир топайми, бобожон?», Н. Рашидованинг «Усмон Носир», У. Азимнинг «Бир қадам йўл» асарларини саҳналаштириш режамиздан жой олган. Шунингдек, Соғлом авлод йили муносабати билан фарзандларимизнинг маънавий-руҳий ва жисмоний камолотига ҳисса қўшадиган саҳна асари яратиш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

Янги йил барчамизга омад келтирсин, азиз юртдошлар!

Театрда кўришгунча!

**«Халқ сўзи» мухбири Г. ҲУСАНОВА ёзиб олди.**



Сўзсиз суратлар.



Рассом М. ЭШОНҚУЛОВ.




## ТОММИНИНГ ТУҒИЛГАН КУНИ

Онаси: — Томми, бугун сенинг туғилган кунинг, табриклайман!

Томми: — Раҳмат сизга, ойижон!

О: — Ўғлим, сенга бешта шағамли битта торт пишириб берайми?

Т: — Йўқ, йўқ, менга битта шағамли бешта торт пишириб берақолинг!

## «ГАМЛЕТ»НИ КИМ ЁЗГАН?

Бир куни мактаб таълими инспектори кичкина шаҳар мактабини текшириш учун келди. Лекин, на ўқувчилар, на ўқитувчилар ундан чўчишди. Шунда у дарсга кириб, бир боладан баланд овозда сўради: — «Гамлет»ни ким ёзган?

— Мен эмас, сэр, — деб жавоб берди бола.

Инспектор боланинг жавобини ҳазилга йўйиб жаҳлидан тушди ва кулиб юборди.

Дарсдан кейин эса инспектор мактаб ўқитувчисига бу воқеани гапириб берди. Ўқитувчи кулиб, бош ирғади: «Ҳа, танийман у шумтакани, ҳеч хавотирланманг, у «Гамлет»ни ёзиб қўяди».

**Сайёра ҲАМИДОВА таржимаси.**

## НЕГА ҲАҚОРАТ ҚИЛАСАН?

Бир аёл дугонасига шикоят қиляпти.

— Дорихонада ёшартирадиган таблеткани эримга кўрсатсам, сен шундан ичишинг керак экан, дейди. Нима мен шунчалик қариб қолдимми?

— Кўявер, бу кал ўлгурларнинг кўнгли ҳам кал бўлади.

Шунда биринчи аёл дугонасига ўқрайиб деди:

— Сен нега менинг эримни ҳақорат қиласан?

## Ж А В О Б

Ҳарбийлар ётоқхонасини айланган полк командири, ёш аскарни саволга тутди:

— Ҳамма нарса етарлими?

— Ҳамма нарса етарли, ўртоқ полковник.

— Овқатга қорин тўйяптими?

— Қорин тўйяпти, ўртоқ полковник.

— Тишни тозалашни унутганларинг йўқми?

— Унутганимиз йўқ, ўртоқ полковник.

— Тишни нима билан тозалайсизлар?

— Швабра билан, ўртоқ полковник.

**Раҳмат ВАЛИЕВ.**


# ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «ПАХТА-БАНК»



Кенгаши ва бошқаруви бутун Ўзбекистон аҳлини ҳамда таъсисчилар, акциядорлар банк тизимидаги барча ҳамкасблар ва мижозларни

## ЯНГИ — 2000 ЙИЛ БИЛАН

### САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

Сизларга мустаҳкам соғлик, оилавий бахт-саодат тилаймиз! Янги йил барчангизнинг хонадонингизга шоду хуррамлик, кут-барака олиб кирсин!

Мустақил Ўзбекистонимизнинг иқтисодий равнақини таъминлаш, унинг буюк келажагини бунёд этиш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз!

2438



«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0999. 23276 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров.
Навбатчи — О. Ражабов.
Мусаҳҳиҳ — А. Сатторов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00
1 2 3 4 5 6